

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 20 СЎМ



КАТТА БАЙРАМ КЕЛЯПТИ!

Суратчи: С. МАҲКАМОВ

**УШБУ СОНДА:**

**БАЛОҒАТ БЕҚАТИ**

3-БЕТ



**ЭРКИН АЪЗАМ:**

**ПАҚАНАНИНГ ОШИҚ КЎНГЛИ**

6 - 7-БЕТЛАР

**КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:**

**ПАНЧАТАНТРА — БЕШ ҚИТОБ**

**НОРМУРОД МУСОМОВ:**

**«ПАХТАҚОР» ТАЖРИБА**

**МАЙДОНИ ЭМАС**

# ЙИГИТНИНГ ЎҚИГАНИ МАЪҚУЛ ЭКАН

ЕТТИ КУН

## ЖУРНАЛИСТНИНГ ДАЛА ЧОРБОФИ

Бошқа жойда сал бошқадир... лекин Шеробод туманининг халқи каби ҳокимияти ҳам ижодкорларни жуда суюди. Шу вақтгача ёзувчи Нодир Нормат, rassomлар Рўзи Чориев ва Чоршанби Маматқуловлар кўнгиллари тусанган гўшадаги дала чорбоғида ижод қилишаётган эди.

Яқинда яна бир журналист Раҳимжон Искандаров ҳокимият қуриб берган Кўҳна Турко дарёси бўйидаги «дача»га кўчди, — деб хабар беради шу худудлик дала ҳовлидан умидвор мухбиримиз.

### «ҚОРА АЖДАҲО»

Чиройли исм фақат инсонга эмас, яна кўп нарсаларга хусн экан. Нилуфар, Феруза, Гулнора каби қизларимиз исмини бир қанча фирма ва дўконлар «ўғирлаб» олганини биласиз. Лекин пойтахтнинг «Урда»си яқинида очилган ресторанга «Чёрный дракон» — «Қора аждаҳ» дебон жисмига мос «чиройли» исм қўйилганидан хабарингиз бўлмаса, билиб қўйинг.

### ЧЕККА БИР ҚИШЛОҚДА...

Самарқанднинг Нуробод тумани халқ таълими бўлими қошида, яъни чекка Тим қишлоғида «Шоҳруҳ» кенг тармоқли кичи корхонаси ишга тушди. Гилам тўқиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга мосланган ушбу корхона тушган фойдани аҳоли эҳтиёжига сарфламоқчи. Илк режалардан бири қишлоқда ҳаммом қуриш.

Узоқ қишлоқнинг тузук тадбирига ривож тилаймиз.

### ОЛТИ ОЙГА — 100000 РУБЛ

«Шарқ хабарлари» газетида бир хонали уйини ижарага бермоқчи бўлиб эълон берган саховатли жанобга талаба мижозлардан бири кўнғироқ қилди. Ва жанобнинг чегарасиз «саховатидан талаба [гўшақ эмас] доводира қолди. Сабаби чакки эмас. Ижара нархи 6 ойга 1000 доллар экан.

### КАССОБЛАР ҚУРУМСОҚ ЭМАС

Олтириқ тумани марказидаги Сайфиддин қассобнинг дўконидан гўшт харид қилган бир аёл ҳамёнини унутиб қолдирди. Сайфиддин ака туман газетасида эълон берди.

...кейин ҳамённинг эгаси келиб, шошиб ичини титкилаб кўргач, хайрият,—деб юборди.

Маълум бўлишича, ҳамёнда 13,5 минг сўм пул ва Ҳиндистоннинг қадимий тилло тангаси бор экан. Тилло танганинг қиймати эса рублга қаққанда милёндан ошаркан.

Шунақа, баъзан қассобларнинг ҳам марди учраб туради.

### ЯНА БИТТА МИЛЁНЕР

Қассоби дангал келган юқоридаги туманлик бир жанобга [маълум сабабларга кўра исм-шарифини ёзмадик] спортлотонинг 23-тиражидан 34 милён рубл ютуқ чиқди. Шундай қилиб олтириқлик милёнерлар сафи яна биттага кўпайди.

### ХАЛОСКОР ҲАЙДОВЧИ

...Поезд келаётганлиги сабаб Фарғонанинг Файзиобод йўли ёпик бўлиб, худди шу пайт «Олтириқ—Марғилон» йўловчи автобуси ҳам келаётганди. Массофа... яқин эди!.. Ҳайдовчи автобусни тўхтатишга улгурмади ва бахтсиз ҳодиса бўл[ма]ди. Чаққон ҳайдовчи юз нафар йўловчи жонини 3-4 метр наридаги темир йўл тўсиғини бузиб бўлса-да, сақлаб қолди. Поезд ҳам бемалол ўтиб кетди.

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ

ёмон кўриниб кетди. Алам қилди. Ишнйям ташладим, анча вақтлар бекор юрдим.

Ҳозир ёшим қирқдан ошган. Худога шукр оилам, бола-чақам тинч. Кичкина бир корхонада қоровуллик қиламан. Нолисам ношукрлик бўлар. Ишқилиб, кунимиз ўтиб турибди. Бекорчиликда баъзан китоб, газет-журнал ва рақлаб тураман. Очғи, ўқи масам, зерикадиган бўлиб қолибман. Кейинги пайтларда аёло ўқиган синфдошларимга ҳавасим ортмоқда. Дунёдан беҳабар юрaverибман. Илми йўқ одам ўзини энг билимдон ҳисоблайди, деган ақида нақадар тўғри эканлигини англаб етгандекман. Яқинда Жек Лондоннинг «Мартин Иден» рўмонини ўқиб қолдим. Ушбу асар орқали ҳаёт учун кураш нелигини тушундим. Менга қизини бермаган инсонлар маълум маънода ҳақ эканлар. Тўғри-да, инсоннинг, энг аввало, келажаги порлоқ бўли-

ши керак экан. Мактабда яхши ўқиган ўртоқларимнинг бугун обрўйи баланд. Улар ўз илми-амалига яраша хурматга эга одамлардир. Ўзимни уларнинг олдида жуда ожиз сезаман. Улар тушунган, билган нарсаларга кўпам ақлим етавермайди...

Катта ўғлим бу йил ўрта мактабни тугатди. Яхши ният билан уни институтга кузатдик. Фарзандларимнинг маълумотли, тушунган инсон бўлиб етишишларини истаيمان. Илм олишнинг ўзи катта сезаман. Утган умримга афсусланмайман, бироқ ўзимга керакли билимларни вақтида эгалламаганим учун баъзан ачиниб кетаман.

Худо насиб этса, эртами индин биз ҳам кимгадир совчи юборамиз. Ушанда йигит ўқимаган экан деган жавобнинг тақрорланишидан кўрқаман. Бу ҳам майли, лекин йигит кишининг барибир, ўқигани маъқул экан.

Юнус ЗОЙИРОВ



С. МУСАЕВ сурати

БОЛАЛИКНИНГ БЕБАҲО ОРЗУСИ

# «ЮЛДУЗ» — СИЗНИНГ ҲАМ ЮЛДУЗИНГИЗ

Мана ёз ҳам ўрталаб қолди. Ҳадемай олтин куз эшик қоқиб, дов-дарактлар ҳазон тўка бошлайди. Кейинга ёғир, шамол, тонгги шудринг қировга айланади. Она-Кудёнинг заррин-заррин нурлари заминга илвакс етиб кела бошлайди. Шу боис саратоннинг офтобиди қорайиб кетган этимиз салгина илшқлик, салгина намгарчиликда ҳам жунжикади. Оёқдаги «тапичка»лар ташланади, ҳаммамиз «бошини қалинроқ» қилиш, ҳаракатига тушиб қоламиз. Ҳанимизга эса ихча ва хушбичим, чиройли ва кўркам кийим-кечак ахтара бошлаймиз. Бу борада, зарур бўлса бутун ташиш-ларимизни ишга соламиз. Шунда ҳам арзонроқ, қўлайроғи топилса денг...

Йўқ, айнан кастим-шим масаласида бошингизни қотириб кўп ўзингизни қийнайверманг. Чет элликдан бўлма-са-да, Тошкент шаҳридаги «Юлдуз» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган маҳсулотлардан ўзин-

гизга мосини танлай билсангиз армонда қолмайсиз. У ерда тикилган кийимлар хорижликлар маҳсулотидан ўтса ўтадики, қолишмайди. Яқинда мухбиримиз Нормурод МУСОМОВ ана шу ташкилотда бўлиб қайтди.

Сухбатдошларимиз Ҳабиба Абдуҳолиқова «Юлдуз» бирлашмасида бош муҳандис ўринбосари, Дилором Аъзамова эса ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлайди.

— Сизлар ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг сифати кейинги вақтда анча яхшиланди. Бежирим ва гўзал тикилган кастим-шимлар, аёлларнинг хушбичим юбкалари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бунинг сирини нимада!

Ҳ. А. : — Меҳнатда, албатта. Илгари тикилиши лозим бўлган барча кийимлар бичимининг 80 фоизи модалар уйидан пул тўлаб олинарди. Харидорларга ёқса-ёқмаса улар кўрсатгандек тикилаверарди. Ҳозир эса бошқача. Маҳсулот тайёр

бичимининг бор-йўғи 20 фоизини модалар уйидан оламиз, қолган қисми эса ўзимизнинг махсус хизматчиларимиз томонидан тайёрланмоқда. Бунда кўпинча харидорларнинг талаби инобатга олинади.

— Маҳсулот учун хом ашёни қаердан оласизлар. Хориж билан шартномаларингиз борми ёки маҳаллий ташиқлотлар таъминлаб турадими!

Д. А. : — Ўзбекистонда «Юлдуз»ни зарурий хом ашё билан «боқиб» турадиган ташиқлот йўқ. Биз тайёр хом ашёни эҳтиёжимизга қараб Беларус ҳамда Болтиқ бўйи давлатларидан сотиб оламиз.

— Пул масаласи тўсқинлик қилмайди! Ахир ҳозир МДҲ таркибига кирган кўпгина давлатлар ўз валюталарини жорий қилмоқда. Бизга ҳам «ҳомийлик» қилаётган ўрис рубли сизларнинг доимий алоқачиларингизга қозғоқ гап-ку!

Ҳ. А. : — Кейинги 1-2 йил

ичида ана шу масалада қийинчиликларга дуч келмоқдамиз. Айтганингиздек ўрис рублига бошқа давлатлардаги ҳамкор касбдошларимиз бошқача назар билан қарайди. Охири бунинг ҳам йўлини топдик. Энди ўртада тўғридан-тўғри товар алмашиш чораларини йўлга қўйдик.

— Демак, сизлар кастим-шим учун хом ашёни улардан оласизлар. Аммо бунинг эвазига нима етказиб бера-сизлар!

Д. А. : — Чет элдан маҳсулот олиш учун, аввало, биз Ўзбекистондаги бошқа бир завод ёки ишлаб чиқариш бирлашмаси билан шартнома тузиб, уларга пул ўтказамиз ва ўз ўрнида ўша ташиқлотлар томонидан ишлаб чиқарилган буюмлар бизнинг номимиздан хорижга, яъни биз билан ҳамкорлик қилаётган фабрикаларга юборилади. Хорижликлар эса ўз маҳсулотини «Юлдуз»га юборади.

— Бу жуда катта галва-ку.

Шундай қилиб бир дона кастим-шим тайёрлаш сизларга неча пулга тушмоқда!

Ҳ. А. : — 13 мингдан 20 минг сўмгача.

— Баъзида эшитиб қолам: «Кастим олмоқчи бўлсанг дўконга эмас «Юлдуз» бирлашмасига бор. У ерда ишлайдиган ходимларнинг айримлари сенга энг арзон нархда сифатли кийимларни дарров ўғирлаб чиқариб беради», деб. Бунга шу корхонанинг ходими сифатида нима дейсизлар!

Ҳ. А. : — Бунақа ҳолатлар ҳам учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳазосини олганлар ҳам бор.

Д. А. : — Биласизми, асосан бунга омиборхоналардан мутасаддилар айбдор. Сехдан ҳеч ким ўғирлаб чиқолмайди. Чунки бўлим бошлиқлари санаб олиб, санаб топширишади.

— Сухбатларингиз учун ташаккур.

Ёшлар эстрада кўшиқларини бу қадар жон-дилдан севишларининг боиси нимада?

Ҳар сафар шу саволга жавоб излаганда «енгил санъат», «осон тушуниладиган санъат», «оммабоп санъат» деган иборалар хаёлга тиргалаверар эди ва бунга истаганча асос топар эдим ҳам. Бироқ, бир зум кўлоқ туйтайлик:

**Бир кун боғда шул гунчани**  
топа олмадим,  
**Минг афсуски, ёргинамни**  
асрай олмадим.  
**Наҳотки, бир бегона кўз**  
назар ташлади,  
**Бу нозик, майин гунчадан**  
мени айирди.

Ботир Зокиров хотирасига бағишлаган ёш эстрада хонандалари кўрик-танловида айни шу мисралар билан бошланадиган «Эй, сабо» кўшиғи Тошкентнинг Собир Раҳимов тумани, Тансиқбоев мавзесидаги 4-маданият уйининг созанда ва яккахон кўшиқчиси Қобил Иброҳимовга голиблик совринини келтирдию, кўшиқ минглаб ёш мухлисларнинг оғзига тушди.

— Касалхонада ётганимда Эркин Мадрахимовнинг шу шеъри кўлимга тушиб колди, — деб ҳикоя қилди Қобил, — такрор-такрор ўқийвердим, ёд бўлиб кетди. Узидан-ўзи куйга тушаётганини сездим. Мени кўшиқчилик сари бошлаган Неъматилла акам қўллаб-қувватладилар. Кўшиқ туғилаётганини ҳис қила бошлаганим сайин касалхонадан қочиб чиқдим, соз жўрлигида машқ қилгим келаверди!... Соғайиб-қиқач, Хусниддин акага айтдим. Сўз ҳам, оҳанг ҳам ёқди. Оҳангга сайқал беришда ёрдамлашларини айтдилар...

Бир эстрада кўшиғининг яратилиши

**ҚОБИЛ ИБРОҲИМОВ:**

## «КЎШИҚ ТИНЧИМНИ ЎҒИРЛАДИ»

ҳақидаги ушбу ҳикояни эшитганда яна ёшларнинг эстрадага муҳаббати ҳақидаги саволга қайтадан жавоб излашга уриндим. Қобил Иброҳимовнинг 138 иштирокчи орасида голиб деб топилганига ўзимча асослар қидирдим. Ва ўзимча ниманидир кашф қилгандай бўлдим: эстрада фақат энгил-елли куй-кўшиқдангина иборат эмас! Ботир Зокировнинг кўшиқларини эслайлик — вазмин оқувчи муסיқага ҳамоҳанг дардли нола, Фаррух Зокировнинг уйноқи оҳангларига эш бўлиб кетаётган соф миллий қадриятлар соғинчи, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Абдуллаева кўшиқларидаги энгиллик билан мунислик, маъюслик... Шулар эмасми, ҳозирги ўзбек эстрада-сининг қаддини тўтиб турган, уни эларо машҳур қилаётган фазилатлар?!.

Мухриддин ва Хусниддин Холиқов ижодининг ўзи шу маънода алоҳида бир саҳифа эмасми?! Яна энгил, ўйчан, маҳзун оҳанг замиридан оқиб чиқаётган хаёлчан кўнгил мавжлари гоҳ шиддатли тус олади, гоҳ ғамгинлашади.

Қобил Иброҳимов кўнглининг туб-тубидан англаб-илғаб ўзбек миллий эстрадасининг ана шу ўзига хос

фазилатларини ижодининг бош мақсадида айлантиришга аҳд қилган. Мухриддин ва Хусниддин Холиқов устозлигида тайёрлаган ва «Нафис» дастаси йигитлари билан ҳамнафасликда тинимсиз сайқал бераётган, ижро этаётган «Гунча», «Лайло», «Яхши эди» кўшиқлари хусусида ҳам юқоридаги мулоҳазаларни билдириш мумкин.

Санъаткор учун шундан улканроқ бахт бўлмаса керак!

— Машрабнинг ғазалларини қўлдан кўймай ўқияман, — деди Қобил Иброҳимов, — Ҳабибийнинг «Келмоқчи эдинг» ғазали куйга солинмоқда. Устоз Ойбекнинг лирик шеърлари тинчимни ўғирлаган. Уқиб берай тинглаб кўринг-а



Баъзан, бундай кўшиқларда ҳазинлик сезилиб қолмоқда деган эътирозлар кўлоққа чалинади. Йўқ, Мухриддиннинг ҳам, Хусниддиннинг ҳам, уларнинг изидан бориб ўз йўли, ўз ижро маҳоратини излаётган Қобилнинг ҳам кўшиқларидаги ҳазинлик тушкун кайфият туғдирмайди, балки тингловчини ҳаётнинг, инсон умрининг энг ажиб, олижаноб манзаралари ҳақида ўй суришга ундайди, ушбу ўйлар асосида мухлислар қалби бир зум ором топишига имкон яратади.

**Кўнгил очилди,  
Лолалар кўлди.  
Баҳор қизидан  
Нурлар сочилди.**

Еки:

**Йўлингизда кутдим,  
Ҳасратлар ютдим,  
Ҳажрингиз-ла кўндан  
Ўзни унутдим...**

**Жамшид ДУСТМУҲАММЕДОВ**

## Б Б Н И Н Г АБИТУРИЕНТЛАР АНКЕТАСИ

Ҳар бир йигит-қиз балоғат ёшига етганда дунё кўзига бошқароқ кўри-на бошлайди. Дунёқараши ўзгаради, у қора деб юрган нарса оқ, оқ деб юрган нарсалар қора бўлиши ҳам мумкин. Биз бугун балоғат бекати анкетасини тузиб, эндигина мактабни битириб келган, ҳаёт сари илк «қанот қоқаётган» абитуриентларнинг дунёқараши билан қизиқдик.

### АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

1. Сиз ўзингизни балоғатга етдим деб ҳисоблайсизми, ҳисобласангиз нимага асосланасиз?
2. Ота-она бағрида яшаган яхшими ё мустақил?
3. Шу ёшингизда уйланишни (турмушга чиқишни) хоҳлайсизми? Хоҳласангиз ё хоҳдамасангиз негалигини тушунтириг.
4. Сизнингча оила нима?
5. Шу ёшгача севганмисиз?
6. Қизларга (йигитларга) қандай муносабатдасиз?

**Одил ТИЛЛАЕВ (Қамаши тумани) ТошДД абитуриенти, 17 ёш.**

1. Ҳа, етдим деб ҳисоблайман. Нимага асосланишимни билмайман.
  2. Ота-она бағрида яшаган маъқул.
  3. Йўқ, ҳали эрта, сабаби оилани боқолмайман.
  4. Қим биллади.
  5. Йўқ, севмаганман.
  6. Қўзимга ўт бўлиб кўринади. Уларга интиламан.
- Фарход ШЕРМАТОВ, 18 ёшда, ТошДД абитуриенти. (Қўқондан).**
1. Ҳа, нимага асосланишимни билмайман. Ҳар қалай етиб қолдик.
  2. Мен учун мустақил яшаш яхши. Уқашга кириб олсам бўлди. Мустақил яшасангиз ўзингизга хон ўзингизга бексан-да.
  3. Йўқ, ҳали ёшман. Уқашни битириб уйланаман.
  4. Билмайман.
  5. Севганман. «Қизим» бор.

6. Яхши муносабатдаман. Уларга қизиқаман.

**Дилноза БОБОЁРОВА, 17 ёшда, ТошМИ абитуриенти (Фарғона).**

1. Ҳа, у-бу нарсаларга ақлимиз етади, ҳар қалай.
2. Мустақил яшаган яхши. Ота-онага боғлаб қўймаган-ку, ахир.
3. Йўқ, ҳали эрта. Атрофдагилардан кўряпмиз оиланинг ташвиши катта.
4. Оила йигит билан қизнинг, юлдузи юлдузига тўғри келиб бирга яшай билиши-да.
5. Йўқ.
6. Яхши муносабатдаман.

**Шерқул ЛАТИПОВ, 17 ёшда, ТошДД абитуриенти (Самарқанд).**

1. Ҳа етдим. Қизларга қизиқиб қолдик, асосимиз шу-да.
2. Мустақил яшаган маъқул. Ҳаётни тезроқ тушуниб етасан.
3. Менга фарқи йўқ, отам уйлантирса уйланавераман. Яхши томонлари кўп.
4. Оила йигит билан қизнинг бирга яшай бошлаши.
5. Икки-учтасига айтганман.
6. Яхши муносабатдаман, кўрсам қўзимни ололмайман.

**Юлдуз КЕНЖАЕВА, ТошДД (хорижий тиллар) абитуриенти, 18 ёшда.**

1. Йўқ. Ҳали ёшимизда.
  2. Ота-она бағрида.
  3. Йўқ, ўқишга кирсам бир гап бўлар.
  4. Оила мен учун франсуз тили.
  5. Йўқ. Агар севганимда ўқишга келмаган бўлардим.
  6. Қисқаси, яхши-да.
- Ёшларнинг ҳали шаклланиб улгурмаган дунёқарашидан бир шингил ўқиндигиз, холос. Уларнинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари не тариха ўзгаради бу ўшалар яшайдиган муҳитга, атрофдаги одамларга боғлиқ.

**Эгамназар ОСТОНОВ**

## Б Б

## МУСИҚА БИРИНЧИЛИГИ

1. Маъмуржон Тўхтасинов. «Кеча ва кундуз» видеофилмидаги кўшиқлар
2. Абдулҳай Каримов. «Бисмиллоҳ»
3. Охунжон Мадалиев. «Кечиккан севгим»
4. Аҳрор Усмонов. «Қайда қолди ҳаловатларим»
5. Равшан Қомиллов. «Айирдилар»
6. Мавлуда Асалхўжаева. «Ёндирасиз сиз мени»
7. Юлдуз Абдуллаева. «Қайдасиз, онажоним!»
8. Авазбек Олимов. «Гўзал ёрим»
9. Дониёр Тошмуҳаммедов. «Жавоби бор»

«Кеча ва кундуз» видеофилмида Маъмуржон Тўхтасинов ижро этган янги кўшиқлар мухлислар учун ажойиб совға бўлди. Биз уни бажонидил танловимизга қўшдик. Шухрат Сафаров, Турғунбой Равшанов, Алишер Худойбердиев (Самарқанд) ва Акбар Олимов (Тошкент) лар Авазбек Олимов кўшиқларини ёқтиришларини, унинг ўзбек кўшиқчилигига янги овоз билан кириб келаётгани ҳақида ёзишган. Хулқар Норқобилова (Қарши) эса ёш хонанда Дониёр Тошмуҳаммедов ҳақида шундай юқори фикрда. Исқандар Латипов (Булунгур тумани) «Кумуш Раззоқованинг овозини эшитсам тоғнинг майин шабадаси соҳимни силангандек бўлади» дея ҳаяжонини ошқор этган. Бахмаллик Обид Сафаров ҳам ишқивозликда Исқандардан қолишмас экан. Унинг севikli санъаткори — Мавлуда Асалхўжаева.

«Оила ва жамият» 30(101)

Метронинг «Ҳамза» бекатидан чиқиб, «Минг бир майда-чўйда» томон юраверишда доим мўъжазгина пойфазал устахонаси ёнидан ўтаман. Дўконча соҳиби — ҳалол хушмуомала инсон, қўли гул уста Обид Абдуллаев билан саломлашиб, яна йўлимда давом этаман.

Лекин бу сафар қолдин тузурида анчагача ўтириб қўйдим. Туфлини созлатиш баҳона устани саволга тутдим.

— Обид ака, нега шу касбни танлагансиз! Болаликдан қизикқанмисиз, сизга отамеросми бу ҳунар!

**ЭТИКДЎЗ ОБИД  
АБДУЛЛАЕВ:**

## ҲУНАРИМНИ ОЛАДИГАН

— Иккаласиям. Раҳматлик отамиз уста Қўчқорбой Шаҳрихоннинг энг машҳур касибларидан бўлган. Тақдир тақозоси билан Янгийўлга кўчиб келганлар. У ерда ҳам шогирдлари кўп. Мен ҳам болалигимдан қизиқар эдим. Саккиз йиллик мактабни «коридорда юриб» битирдим. «Ким бўлмоқчиман» мавзусида иншо келса, доимо этикдўз бўламан, деб бир-икки жумла ёзма ишни тугатганларим эсимда... Насиба экан, мана, 30 йилдирки, шу ҳунарни ташламай, тирикчилик қиляпмиз.

— Этикдўзликнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бўлса керак!

— Албатта, мен ҳам бу касбнинг ҳадисини олгунча анча-мунча азоб тортганман. Болаликда — қачонки, дадамнинг ёнларига кириб, кўмаклашай десам, ё қўлимга бигиз тиқиб олардим, ё болға билан уриб тирноғимни кўкартириб юборардим. Баъзи тенгдошларим «ямоқчи, ямоқчи, этикни пишириб ёмоқчи» деб калака қилишарди. Ҳозир ҳам осон эмас. Керакли ашёлар танқис, ахтариб ўзингиз топишингиз керак, патент, ҳақ деганлари эса — чарчатадиган. Ҳар хил одамлар келади. Баъзилари сал

«нозикроқ», муомала қилиш оғир. Масалан, яқинда бир мижоз келди. Туфлиси титилиб кетгудай, отворгандай қилиб олдимга ташлади: «Шуни бир эплайсиз, уста!»

— Қийин-ку, менда буни тикадиган дастгоҳ йўқ, тағармлик ҳам тугаган. Ателега оборинг, — дедим.

«Э-э, шуни эплломасангиз, нима қип ўтирибсиз бу ерда? Бу дўконни нега очдингиз? Йўқ, эплайсиз дедимми, эплайсиз, эртага келаман деди-ю ташлади-кетди.

Жаҳлим чиқди, лекин ўзимни босдим. Мендан нима кетди, йўл-йўла-

келсақ, худо хоҳласа, у қўлимдан ҳунаримни оладиган. Ишимнинг паст-баландини ўргатяпман. Анча қўли кеп қолди.

— Дўконларда сифатсиз оёқ кийимлари сотилаётганини кўрганда қувонасизми ё газабланасизми! Чунки бундай пойфазаллар харид қилинми, эртасигаёқ устанинг «қабули»га шошилишади-да!

— Тўғриси, шунга кетган меҳнат, сарф бўлган материалга ачинаман. «Мендан кетгунча» қабилида иш тутишади. Харидорни, халқни ўйлашмайди. Этикдўзнинг иши турган-битгани

да энг тежамкор одам — этикдўз, деишипти улар. Халойиқ бу фикрни маъқуллаб, ямоқчи йигитни шоҳ кўтаришган экан. Этикдўзнинг тежамкорлиги худо берган фазилат демоқчиман-да...

— Ҳозирги кунда йиртилса на тикиб, на ямаб бўладиган оёқ кийимлари кўпайиб кетди. Сиз уларни ҳам таъмирлай оласизми?

— Айниқса, Хитой пойфазаллари сиз айтгандай бир кийишлик, кўриниши жуда чиройлик, лекин нари борса бир йилга етади, холос. Оврупо фирмаларининг моллари ҳам айниди. Нуқул ё қоғоз, ё клёнкадан тикишяпти. Нархларини ўзингиз биласиз... Харид қилмаслик керак уларни. Айниқса, болалар киймагани маъқул. Тез зах ўтказди, оёқни роса терлатади. Чунки материали сунъий резин, сувқоғоз.

— Пойфазалга қараб, унинг эгаси қанақа одам эканини айта оласизми!

— Оёқ кийими соҳибининг феъл-атворини кўрсатиб турувчи «кўзгу» деса бўлади. Мана бу туфлини қаранг. Анча кийилган, лекин кўпм оҳори кетмаган. Кўринишдан таъмирга муҳтож эмас. Эгаси унга миҳ қоқинг, пошнасини мустаҳкамланг, деб ташлаб кетди. Тартибли, тежамкор, ҳар нарсани эҳтиётлаб ишлатадиган одам. Мана бу туфлини қаранг, бели синиб кетай дейди. Орқасини босиб, эзиб қўйган. Обдон ишдан чиқариб, бўлғач, кейин устага келтирипти. Уни анча қўпол, эътиборсиз киши кийгани шундоқ кўриниб турипти.

— Пойфазал бутунлай ишдан чиқди дейлик, уни ташлаб юборишдан бошқа биров нарсалар яратса бўладими!

— Ҳар қалай, ямоқчиларга берилса, керакли жойларини бошқаларнинг пойфазалларини тузатишга ишлатади. Умуман, кўпчилик оёқ кийимга эътиборсиз. Ҳатто баъзилар таъмирлаб қўйилган туфли-ю этикларини ҳам унутиб юборишади. Мен бундайларни 3 ойгача кутаман, сўраб келишмаса, муҳтож одамларга бериб юбораман.

## ЎҒЛИМ

кай ателега ташлаб ўтарман деб ўйладим. Эртасига туфлисини олишга кирдим, ҳамкасблар билан суҳбатлашиб, бироз ушланиб қолдим. Келишим билан соатсоз қўшним шикоят қила кетди. «Нозик» мижоз кели, «Этикдўз қани? Иш вақти қайда юради? Иккалангни ҳам бу ердан ҳайдаттирвораман» деб роса бошини қотирипти. Шунақа. Буни қарангки, туфлисини тузаттирганимга икки ойча бўп қолди-ю, ҳалиям дараги йўқ...

— Этикдўзга ҳамisha иш топилади, унинг меҳнатига эҳтиёж катта. Лекин негандир ўзбеклар орасида этикдўзлар кам. Мана, масалан, сиз ўғлингиз ҳам ўзингиздай ямоқчи бўлишини хоҳлайсизми!

— Ўзбек усталари пойфазал фабрикалари, турли ширкатларда кўпроқ ишлашади. Чунки ҳали айтганимдай, ямоқчиликнинг югур-югури кўп. Нуқул уни ахтар, буни топ... Корхоналар эса тинч, борасиз, ишлайсиз — маош тайин. Бундан ташқари, бировларнинг эски-тускисини титкилаб ўтираманми деб, ямоқчиликка паст назар билан қарайдиганлар ҳам оз эмас. Ўғлимга

тежамкорликдан иборат. Шундай бир ривоят эшитганман. Қадимда қайсидир мамлакатнинг подшоши ўлиптию, кимни тахтга кўтариш устида қаттиқ тортишув бошлангипти. Чунки марҳум шоҳ тирноққа зор ўтган экан. Донишмандлар қарашса, баҳс қизиб, оқибати яхши бўлмайдиган. Шунда кўпчилик улуғлар маслаҳатлашиб, подшо сайлашни Тангрининг ихтиёрига топширишни лозим топишгипти. Яъни, барча элни майдонга йиғиб, қуш учирадиган (каптарми, тўтими учиршади-ку эртақлардаям), қуш кимнинг бошига қўнса, шуни тахтга чиқарадиган бўлишгипти. Бутун халқ тўпланибди. Бир чеккада ямоқчи йигит ҳар кунгидай ўз ишини бажариб ўтирган экан. Уч марта қуш учиршипти. Ҳар гал қуш келиб ямоқчи йигитнинг бошига қўнаверипти. Ҳамма ҳайрон эмиш. Шунда донишмандлар бу ҳол мазмунини элга тушунтириптилар: Раҳматлик подшоҳимиз қариганда фарзандсизликдан кўп дарду алам чекиб, юртни бошқаришни ишратпараст вазирга ишониб қўйган, оқибатда тартибсизлик, исрофгарчилик авж олган эди. Тангрининг бу иши бежиз эмас, орамиз-

Сухбатдош А. ЖАЛИЛ

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

## ҲИЖМАТ

*Ошиқ кишилар кечалари ётмаса беҳроқ,  
Ҳар дарду алам тегса, фиғон ётмаса беҳроқ.*

*Бошини ёриб, қонга бўёб қилса ситамлар,  
Урди мени деб золима сўз қотмаса беҳроқ.*

*Дарвиш бўлбон халқ ичида тасбеҳ ўзуриб,  
Сўфи бўлб оламга ўзин сотмаса беҳроқ.*

*Ўтган сўфилар эл кўзидин юрмайн қочти,  
Ҳақин тилаган халқ ичида юрмаса беҳроқ.*

*Ҳар ерда Худо ҳозир ва нозир келдирурлар,  
Бежо ўтуруб, ҳақни банд ётмаса беҳроқ.*

*Сўфи бўлбон соф бўл, эй банди Аллоҳ,  
Сўфи бўлб, ул ёлғон дами ётмаса беҳроқ.*

*«Аллоҳ» деса, қилса ниҳон бидъати бисёр,  
Ондод сўфилар рўза, намоз тутмаса беҳроқ.*


*Ҳар кимни ўз йўлида айлай шайдо,  
Девонаи жулидани айб ётмаса беҳроқ.*

*Ҳақни тануган ўзгани ҳаргиз танумаслар,  
«Аллоҳ» демаган бўлса ани ўлгани беҳроқ.*

*Сўфи бўлса сен ҳойи ҳавас қилмағил асло,  
Ит нафси учун бандага қон тутмаса беҳроқ.*

*Раззоқ дединг, берди сенга ризқи фаровон,  
Шайтон сўзига банда қулоқ солмаса беҳроқ.*

*Ҳақдин эшитиб айди мун Аҳмади мисқин,  
Чин бандасини сийнасинин кетмаса беҳроқ.*



Абдул Ғани ЖУМА сурати

## ЎЙЛАБ ИШ ҚИЛАЙЛИК

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда реклама ва эълонлар матбуот ҳамда телевидениенинг асосий даромад манбаларидан бирига айланиб қолди. Ўз вақтида берилган яхши реклама фирма ёки ташкилотнинг обрўсини, маҳсулотининг харидорчилигини оширади. Бу яхши, албатта. Лекин папирос ва сигаретларнинг, спиртли ичимликларнинг реклама қилинишини ҳеч тушунолмаيمان. Шу нарса бизнинг жумҳуриятимизда ҳам қанот ёза бошлаганини ачинарли ҳол. Шу кунларда ЎзТВ, қатор газеталар «Поло», «Лаки Страйх» каби сигаретларни, турк пивосини зўр бериб

реклама, яъни тарғиб қиляптилар. Бу уларнинг жумҳуриятимизда «Соғлом авлод учун» ордени ва шу номдаги жамғарма тавсис этилганлигига ўзига хос муносабатларимикан? Билмадим. Ахир сигарет ва спиртли ичимликлар билан соғлом авлод тарбиялаб бўлмайдими-ку!

Менимча, жумҳуриятимизда телевидение, радио, оммавий ахборот воситалари орқали тамаки маҳсулотлари ҳамда спиртли ичимликларни реклама қилиш қонун йўли билан тақиқланиши керак.

Даврон БЕК

маслаҳатлар

ТОВОНИМ ЁРИЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

Баъзи одамларнинг товони ёрилиб, териси қуруқшаб юради. Агар товон териси қуруқлаб ёрилса, шилинса, оёқни ҳар куни иссиқ сувга

солиб ўтириш тавсия этилади. Иссиқ сувга солиб ўтирилганда оёқ тозаланибгина қолмай, балки қон айланиши ҳам яхшиланади. Оёқ солиб ўтири-

ладиган сувга ичимлик сода (бир литр сувга солиб ош қошиқ) ёки тозаланибгина қолмай, балки қон айланиши ҳам яхшиланади. Оёқ солиб ўтири-

ладиган сувга ичимлик сода (бир литр сувга солиб ош қошиқ) ёки тозаланибгина қолмай, балки қон айланиши ҳам яхшиланади. Оёқ солиб ўтири-

нади. Қўл кафти ёки қўл бармоқларини сал бўкиб, юза томони билан оёқ бармоқларидан товонга томон

силанади, бундай силаш товонда қон айланишини яхшилайди, товон териси қуриб қолмайдиган, шилинмайдиган ва ёрилмайдиган бўлади.

ЛАБ ВА КЎЗНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Кимнинг лаби қалин ва сергўшт бўлса, бундай киши аҳмоқ ва бетамиз, бошқаларга нисбатан адоват ва хусумат сақлайдиган бўлади.

Кимнинг лаби юпқа бўлса, бундай киши хушфаҳм ва табиати нозик бўлади.

Кимнинг лаби қора ёки кўк бўлса, баднафс ва нопок бўлади.

Кимнинг лаби қизил бўлса, бундай киши саодатли ва насли тоза бўлади. Лаби сариг одам касалланд бўлади.

Кимнинг кўзи катта ва қора бўлса, бундай киши суст ва бегайрат бўлади. Кўзлари кичик бўлса, енгил ва

фаҳми кам бўлади. Катта-кичкиликда ўртача бўлса, ҳаёли ва вафоли бўлади. Кимнинг кўзи чуқур бўлса, бу ўша кишининг такаббур, фосиқ, ўзгаларнинг моли ва ҳақидан қўрқмайдиган, юраги эгри бўлишидан далолатдир. Агар кишининг кўзи ирғиб чиққан бўлса, бундай киши беҳаё ва бахил бўлади. Кимки кўзини тез-тез очиб-юмиб турса, бундай киши алдоқчи ёки ўғри бўлади.

Кимнинг кўзи катта, қизил, иллати йўқ, беғубор бўлса, унинг умри узун ва ўзи полвон бўлишидан далолат беради. Бироқ қақир кўзли киши бахил, беҳаё ва ҳимматсиз бўлади.

Кимнинг кўзи кичик ва кўк бўлса, бундай киши ҳийлагар, алдоқчи ва шаҳватпараст — жинсий алоқага иштиёқманд бўлади. Агар кўзи мушукнинг кўзига ўхшаб юмалоқ бўлса, бу мазкур кишининг саодатли ва шодмон бўлишидан далолатдир.

Кўзнинг катта ва кичикиликда, қора ва қизилликда ўртача бўлиши кишининг яхши ҳулқли, яхши одатли бўлишини билдиради.

Ҳар кимнинг кўз оқида қизил томирлари бўлса, бундай киши шаҳватпараст бўлади.

Муқаддас битиклар

1. Илмнинг офати унутишдир. Уни ноаҳил кишига гапирш эса уни зое қилишдир.

2. Мунофиқнинг аломати учтадир:

- 1. Гапирса ёлгон гапирлади.
- 2. Ваъдасига бевафо бўлади.
- 3. Омонатга хиёнат қилади.

3. Қақирланган жойга (меҳмондорчиликка) боринглар.

4. Нафақа беришни ўзингдан бошла! Агар ортса оила аъзоларингга сарфла, агарда улардан ҳам ортса қариндошларингга сарфла. Агар қариндошларингдан ҳам ортса шу йўсинда аввал ақин, кейин узоқларингга сарфлайбер.

5. Ўзларингиз ва сизлардан кейин келувчи кишилар учун хушхабар шуки, кимки сидқидилдан «Ло илаҳа иллаллоҳ» калимасини айтса, албатта жаннатга кирди!

6. Ҳар бир қавмнинг сингисидан туғилган ўғил ҳам шу қавмдан ҳисобланади.



С. МАҲКАМОВ сурати

НОН ҲИДИ ОЛАМНИ ТУТСИН

Табриклаймиз!



Азиз адажон ва дадажонимиз ҲОМИДЖОН РАҲИМЖОН ўғли!

Сизни табаррук 60 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, бахтимизга ҳамisha соғ-саломат бўлишингизни тилаймиз. Фарзандларингиз ҚОДИРЖОН, ҲИКОЯТХОН, САОДАТХОН, САНОБАРХОН, РАВШАНЖОН ва набираларингиз. Тошкент шаҳри.



Нуридийдам АЛИШЕР! Туғилган кунинг муборак! Бахтимизга доимо соғ-омон бўлиб умринг узоқ бўлсин. Оиламиз кўрки, ўзбекининг ўз ўғли бўлиб етишгин,

даданг БАХТИЕР, онанг ДИЛБАР.



Хурматли Васила ҲАМИДУЛЛАЕВНА! Сизни муборак таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Узоқ умр, сиҳат саломатлик тилаймиз. Фарзандларингиз БОБИР, НОДИР, АҚОБИР ва дўстингиз.



УЛУҒБЕКЖОН! 31-июл туғилган кунинг билан табриклайман. Қўлуг 20 ёшинг сенга бахт-қувончлар йили бўлсин.

Оллоҳ сенга фаровонлик, саодат, иқбол, бир олам шодлик, берсин, деб хоаларинг. Тошкент шаҳри.

Оила

30 ЕШДА

Наманганликман. Ота-онам билан бирга турман, битта фарзандим бор. Турмуш ўртоғим вафот этганига икки йил бўлди. Еши 35-40 лар атрофида бўлган фарзандимга меҳрибон ота бўладиган киши билан турмуш қуриб бир умр бахтли яшасам дейман. «Оила-223».

30 ЕШДА

Олий маълумотли педагогман. Қашқадарёда яшайман. Икки фарзандим бор. Ҳаёт қувонч-ташвишларига ҳамроҳ бўлиб, болаларимга оталик меҳрини бера оладиган садоқатли 30-45 ёш орасида бўлган киши билан турмуш

қуриш ниятидаман. «Оила-224».

29 ЕШДА

Турмуш қурмаганман. Бухоро шаҳрида яшайман. Касбим тикувчилик. Ҳар томонлама мени тушунадиган 34-36 ёшларга бўлган олий маълумотли йигит ёки ўқинишни кишига турмушга чиқмоқчиман. Тошкент шаҳридан, касби шифокор бўлса янаям яхши. «Оила-225».

ИЗОҲ: Яхши ниятлар билан оила қуриш истагида газетимизга мурожаат қилган азизлар! Сизнинг номингизга келган хатлар шахсан ўз қўлинигизга тезроқ тегишини истасангиз, тахририятимизнинг «Оила» бўлимига келиб хатларни олиб кетишингиз мумкин. «Оила-150, 53, 136»-лар шулар жумласидан.

Дераза

АНТИҚА ПАРТИЯ

Кузда Канадада бўладиган сайловларда Бурундиқлар партияси ҳам ўз номзодларини қўйиши эҳтимол тутилмоқда. Бу Канададаги энг антиқа, яъни кулги ва ҳажв партиясидир. Қизиғи, у сайловолди ваъдаларининг бирортасини ҳам бажармаслигини олдиндан айтиб қўяди. Бурундиқлар эътирофича, бу уларнинг ростгўйлиги белгисидир, зеро ҳеч бир партия ўзи ваъдасини бажармайди.

АМЕРИКАГА УҚИШГА МАРҲАМАТ

Сиз энг обрўли Америка университетларида ўқишни истайсизми? Унда Масковдаги Маданият ва умуминсоний кадриятлар халқ академиясига мурожаат этинг. У ерда тегишли савол-жавоб ва тест синовидан ўтгандан кейин Океанорти сафарига жўнашингиз мумкин. Ушбу дақиқадан бошлаб сизнинг барча ташвишларингизни Америка томони ўз зиммасига олади. Сиз фақат ўқиш ҳақини тўлаб қўйсангиз бас. У танлаган таълим-гоҳингизга қараб йилига 19—22 минг доллар ёки шунча миллион рублни ташкил қилади.

ИШОНМАДИ

Шоу-бизнес оламида Мадонна номи билан таниқли Луиза Чикконенинг донгини эшитмаган одам кам бўлса керак. Лекин уни танимайдиганлар ҳам бор экан. Жумладан, хоним Холливуднинг мартабали дискотекаларидан бирига ташриф буюрган эди, эшикога: «Қизалоқ, буй етмаганларга кириш мумкин эмас. Йигирмадан ошганда келсан» деб 35 ёшли юлдузнинг йўлини тўсди. Артист хоним: «Дискотеканинг лаш-луши билан сотиб олишим мумкин. Мен — Мадоннаман!»— деб ўз ҳукмини ўтказишга уринди. Лекин бўлмади — эшикога ишонмади. Хуллас, Машинадан ташриф қоғозини олиб келишга тўғри келди.

ПИВОНИ... МАҚТАМАНГ

Шу йил 1 июлдан бошлаб Белгияда пивочиларнинг ахлоқ кодекси амал қила бошлади. Кодексга кўра пивони:

- ўсмирларга кўз-кўз қилиш;
- «руҳий ва жисмоний яхши таъсир этади» деб мақташ;
- «маиший ва ишқий муваффақият» воситаси дея тарғиб этиш;
- «спортда ҳам катта ютуқларга кўмаклашади» деб ва ҳоказо тарзда реклама этиш тақиқланади.

Қисқаси, белгияликлар пивони метёрида ичинг, қолаверса, пиво ичиш мақтанадиган юмуш эмас деган хулосага келмоқдалар.



Эркин АЪЗАМ

Бу нарсани ўқиган бир дўстим: «Худди турғунлик замонларида, галва-гурбатдан нари бир хилватда ўтириб ёзилгандай», деди.

«Пакана» 1990 йили Пищундада, «Огонёк» журнало олами ости-устун қилиб турган бўлса-да, кўнгли ҳали хотиржам бир пайтда қоғозга тушган эди — шу жиҳатдан бояғи дўстимнинг гапиди жон бор.

Дарвоқе, кўнгли... Асар шу ҳақда. Унда бошқа катта «проблема» йўқ. Аслида, мудоао ҳам шу эди.

Уч йил бурун ёзилган нарса нега шу чоққача эълон қилинмади — бу энди бошқа масала, дейлик, ҳафсала билан боғлиқ гап. Қолаверса, ҳамма иш ҳам насиб этган соатда амал олар экан. Мана, фурсати етди чоғи, ўша машқдан бир бўлагини сизга тақдим этиб турибман.

Э. А.

## ПАКАНАНИНГ ОШИҚ КҮНГЛИ

БҒИ ВА МУЙ УСТИРИШ ТАЖРИБАСИ ЕҲУД РУҲ ТАРБИЯСИДАН БИР ШИНГИЛ

Пакананинг уйланиш тарихи ҳам бир дoston, йўқ, комедия, йўқ-йўқ — трагикомедия.

Уша йили кўкламда оёқоғриқ билан касалхонага тушди. Бор ўринлар банд эканми, иттифоқо, нозикроқ одамларга мўлжалланган икки кишилик хонадан жой тегди. Уч кун бир ўзи ётди. Тўртинчи кун тушдан кейин хонанинг ҳақиқий эгаси келди. У элликлардан ошган, барваста, тепакал армани — Левон амаки эди. Икки лунжи кип-қизил, бурни гўштор, чакичли, қовоқлари салқин — важоҳатидан ёмон одамга ўхшарди. Қўқонда туғилиб вояга етган, ўзбекчани сувдек билар экан. Кўпни кўрган, ҳазилкаш, ҳангамачи одам. Дарров иноқлашиб қолдилар. Левон амакининг ёр-биродари бисёр экан. Қатъий навбат билан келишадди. Хона елимхалтаю қоғозхалтаю, кўкламда тансиқ мевачевага тўлиб кетган. Тайёр дастур Пакана буларни энагаю ҳамшираларга улашиб улгуролмайди. Бу ёқда Левон амакининг чой-пойига қарашуви лозим. Кундузлари беғам, бийрон одам, кечалари белоғриқдан войвойлаб чиқади. Айтишича, умуртқасига туз йиғилган эмиш. Бўйида ҳам ўша савилдан бир ҳовучи борми, бошини эркин буролмайди, бутун гавдаси билан ўгирилади. Иссиқда ҳам шарф ўраб юради.

Раҳми келганидан Пакана кечалари унинг бел-бўйинини босиб, умуртқа поғоналарини мушглаб, ўқалаб кўради. Шундай бирпаслик ором чоғларида бемор ийиб кетар, меҳрибон халоскорига бирон бир мурувват кўрсатиш йўллари қидириб қолар эди.

— Ука, сен энди уйланишиг керак экан. Қачонга бундай юрасан? Ке, бир иш қилайлик. Узинга мос, чиройликкина бир арманкани топиб берай. Сенга айтсам: арманкалардан зўр хотин чиқади. Меҳнаткаш, пазанда, удабурон. Сизлар айтгандай — ёзда кўрпа, қишда кўрпача. Пушаймон қилмайсан аммо!

— Уша чиройли арманкангиз менга тегишга рози бўлармикан? — деди Пакана бир чети эрмак, бир чети пинҳона ўқини билан.

— Кўндиримиз-да, нима дейсан! Сизлар-ку бегона миллатга кўпам харидор эмассизлар, биламан. Е ўзбекчасидан бўлсинми?

— Э, унга уй керак, жой керак. Театр...

— Театрингни қўйиб тур. Уй-жой масаласини ўзимиз бир ёқли қиламиз, ишинг бўлмасин.

Пакана бир қоп гўштин алоҳида ҳафсала билан ўқалай бошлади. Билиб бўладими, жуда ишбилармон одамга ўхшайди...

— Уйланардим-у, яхшироғи учрамаяпти-да, — деди у баттар тарағ қилиб. Кўнглининг тубида милтиллаган бир илнжг йўқ эмасди.

— Ия, шаҳар тўла қиз-ку! — деди Левон амаки жигибийрон бўлгандек ва шу ердга кўзни қамаштириб юргувчи ҳамшира қизларни мисол қила кетди: — Мана, ўзимизда қанчал! Салима, Раъно, Гавҳар, Арофат... ҳаммаси яхши қизлар. Узим гаплагиб бераман, агар ҳў десанг. Айт, қайсинини?

Кўв бўлиш, аникроғи, ҳаваскор кўв шобиб қолди. Ҳимматли ҳамхонаси уни қизлар кўрғазмасига бош-

лаб кирган эди гўе: мана, сайла сайлаганингни, танла танлаганингни! Ночор; нотавон одамнинг кўзига у бир зум Хизр бобо ҳам бўлиб кўринди: тила тилагингни!

— Тўғри, Раъно эрга тегаётганми, эшитишимча, — деди Хизр бобо Левон амакига айланиб. — Гавҳар ҳам тузуг-у, лекин...

«...сенга тўғри келмайди. Бўйи баланд».

— Яхши улар ҳаммаси. Аммо кўнглидаги эмас-да.

— А, бундай де. Конечно, рассомсан, поэзия, фантазия! — Левон амаки яна тadbир қидириб ўйга толди, сўнг астойдил ҳафсала билан ёстиққа ёнбошлаб олди. — Ке, бундай қиламиз. Шулардан бирортаси билан никоҳдан ўтасан, кейин...

— Никоҳ?

— Сохта никоҳ-да.

— Сохта никоҳ?! — Пакананинг юраги ёрилгудек бўлди.

— Шошмай турсанг-чи! Кейин сизларни, ёш келин-кўвнин бирор жойга рўйхатга тиркаб, уй олиб берамиз. Икки-уч ой бирга яшагандек бўласизлар. Шошмагин-да, номига, қоғозлар. Қизни буткул кўрмаслигинг ҳам мумкин, паспорти бўлса бас. Паспорт нима, беш-ўн сўмга янгилаб беради. Қотирамиз. Кейин эса расман ажрашасизлар. Баҳонада уйли бўлиб қолсан, хумпар. Ана у ёғи хоҳлаганинга...

Уй-жойли одамга люб-бойи жон дейди. Қарасам, бу юришда, бир бошинг билан ҳеч ким сенга уй бермайди. Тем более, театринг. Берса, ётоқ-потоқ берар. Сенга тўғри келмайди. Яхши йигит эксан, менга ёқиб қолдинг. Бармоқларинг қора ишлариди, жонинга ора кирди. (Аслида, гавдаси нозикроқ бўлгани билан Пакананинг кўллари чайир, сиртдан озода кўрнадиган рассомчилигинг қора ишлариди, пай бойлаб кетган, холос). Сенга шундай бир яхшилик қилмасам, номардликка киради. Қалай, маъқулми режа?

— Маъқул-у, қийин ишми дейман-да. Ақл бовар қилмайди, — деди афсусланиб қолган Пакана.

— Ланжликни қўй. Ишнинг осони бор эканми? Албатта, соғва-повга бериб қизни рози қилиш керак бўлади. Майли, бу ёғини менга қўйиб бер, ўзим гаплагашаман. Қайсиси тузук? Арофат, а? Меҳнаткаш, камтар, ювшо. Вдруз а?.. — Левон амаки шўхлик билан кўз қисиб қўйди. — Сен кўсанг бас, ишни бошлайверамиз. Қотирамиз!

Пакана индамади. Ҳанг-манг эди. Тақдир подшоши уларни атай шу ерга йигиб, айна лаҳзаларда келажак ҳаёти ҳал қилинаётганини у ҳали билмасди, бунга сира-сира ишонолмасди.

Рассом бўлинмадаги ҳамширалар билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган, даволочи дўхтиридан тортиб бу қақажонларга — каттаю кичик барининг аксини қоратош билан бир тахта-бир тахта қалин қоғозга солиб берган эди. Ҳаммаси ундан миннатдор. Қарангки, келиб-келиб биргина Арофатнинг расмини чизмабди. Узи сурагани ҳам йўқ бир оғиз. Ишдан бошқасини билмай ерга қараб юрадиган, дугоналарига нисбатан хунуқроқ бу камгап қизни чизши истағи ҳам туғилмаган эди.

Тавба, Левон амаки у билан нима деб гаплашди, нима ваъда қилди (кейин маълум бўлишича, қуруқ гапдан бошқа ҳеч бало), икки кундан сўнг Арофат хона холи пайтда кириб, газетага ўралган паспортини Пакананинг ёстиғи устига қўйиб кетибди.

Эртаси кун Левон амакининг ўзига ўхшаган тadbиркор бир оғайнисини ёш «келин-кўвённи» машинасига ўтказиб, хуфя йўл билан бирпасда никоҳдан ўтказиб келди. Қайтганларида меҳрибон «ота ва қайнота» бир даста лолаю бир шиша шампанни тайёрлаб ўтирган экан... Ҳаммаси осонгина ҳал бўлди. Худди тушда кечаётгандек.

«Ота-бола» олдинма-кетин шифонадан тузалиб чиқишгач, Пакана Арофатнинг олдига келиб-келиб, қолган майда-чуйда қоғозларни ҳозирлади. Кейин уларни элтиб уй-жой бошқармасида каттакон бўлиб ишлайдиган Левон амакининг қўлига топширди. Ҳафта ўтмай, «келин-кўвён» асосан қизиникида яшайдиган тўқсон яшар бир ўрис кампирнинг хужрасига расман рўйхатга тиркалди. Бир хонаю газўчоқли бир даҳлзидан иборат бу бошлана шаҳарнинг қоқ марказида, Инқилоб хиёбонига яқин қисир даҳлатларга кўмилган серсоя ҳовлилардан бирида эди. Ҳовлининг тўрт тарафи мана шунақа пастқам-пастқам уй-жойлар, ўзидан қолган қари-қаранг истиколат қилади. Уртадаги каттакон қувурдан кун-уззуқун сув шалдираб ётади — тескари фаввора. Биров билан бировнинг иши йўқ. Бошқа нима керак бўйдоқ йигитга!

Паканалигига қарамай, уни шу ердгагина расмона одам деб билишар, ҳурмат қилишар эди. Узиям уларга ўрганиб қолди. Ғариб-бенаво чолкампирдан нима зиён! Вақти-вақти билан уларнинг ҳожатини чиқаради: дўқондан ул-бул келтириб беради, куйиб қолган лампочкаларини алмаштирилади, дазмол-пазмолни тузатади. Ким яхши — барака топкур Паша яхши, Пашавой яхши! Яна нима керак Паканага!

Отаси қилмаган яхшиликни қилган серҳинмат, мурувватпеша Левон амакига нима жавоб қайтаришини билмай узоқ бош қотириб юрди. Уйлай-уйлай, унинг кафтдек суратини сўраб олди-да, бир қулоч матони дастгоҳга тортиб, икки ҳафта мобайнида меҳраҳфасала билан тер тўқди. Чаккаларидида жингалакларидан тепакал бошига ҳам кўчириб, хийла оро бериб, атай яшартириб чизди. Безакдор қасноққа солинган бежирим портретни кўргач, Левон амакининг кўзларидан ёш чиқиб кетди. «Раҳмат, жигарим, раҳмат! — деди Паканани кучоқлаб кўтариб пешонасидан ўпаркан. — Тўппа-тўғри чизибсан, Ёшигимда худди шундай эдим, сочларим жингалак-жингала. Буни ҳали Марина холанг кўрсамми!..»

Кейинчалик ҳам талай йил ота-бола бўлиб, борди-келди қилиб юрдилар. Белогриғи қўзғалдими, Левон амаки келиб, «Сенинг қўлинг энгил, шифобахш», дея Паканани машинасига солиб уйига олиб кетарди. Қайтишида қўлига коньяк-поняк, буниси Арофатга, буниси қизалоқларингга, деб ул-бул бериб юзатарди. Кампир ўлгач, уйни биратўла Пакананинг номи-

га ўтказиб берган ҳам, ҳовли бузилиб, ўрнига тижоратчилар учун ҳаммом тушади деганда, Юнусободдан хонадон олишига кўмаклашган ҳам ана шу Левон амаки бўлади.

Воқеан, Арофат... У ишга ўтиш-қайтишида тутинган сингил сифатида, ҳожатбарор бир таниш сифатида, баъзан «уйинга келиб-кетиб

турарди. Бирор қилиғида ё гап-сўзида таъма оҳанги сезилмас, қайтага, бирпас ўтириб, Паканага чой-пой дамлаб, кир-чирини ювиб бериб кетар эди. Унинг яккам-дуккам жавобларидан Пакана унча-мунча нарсани билиб олди. Арофат чала етимча бўлиб, опа-сингил ўғай онанинг қўлида эканлар. Угай ана деганда Пакананинг кўз олдига эртақлардаги бир ялмоғиз келиб, буни айтганида, «Йўқ, яхшилар, — деди қиз синик кулимсираб. — Яхши бўлларинг деб уришадилар-да». Сухбат асноси Пакана шуни сездики, катта қиз сифатида Арофат шу кунда бамисоли онанинг томоғига тикилган тош, чунки сингилсига устма-уст икки жойдан совчи келаётганмиш. Кўримлироқ бўлса керак-да. Сўрашга ийманди. Кўнглидагини билиб бўлмайдиган ғалати бу муштипарга ичи ачиди. Бирон яхшилик қилай деса, қўлидан нима келади? Мабодо бу қизнинг ниёти бошқа бўлиб, ёмонликка олса борми, бирор ёққа қимирлаётмай қолсан, тўрт тарафинг девор,

қаёққа қарасанг — Арофат! Худо сақласин, худо сақласин! Не-не орзулар билан яшаётган кўнгли барбод, йигит умри хазон бўлади-я! Агар таъби тортиганида, шу чоққача бу қизни соғ кўярмиди? Мана, гаҳ деса, қўлига кўниб турибди. Узи келса, ўзи кетса. Йўқ-йўқ. Бошимиз қал бўлса ҳам кўнглимиз нозик. Пачоққанда, тептекис, қўлга илинадиган жойи йўқ, оёқлар эгри, калта-калта, ёноқ суякларни хунук бўртиб чиққан... Йўқ-йўқ! Лекин, бошини кўтариб қараса — тушункисиз, одамни доводиратиб қўядиган бир андуҳ чўккан кўзлари!.. Шу унчункиман, улар ўзаро келишиб олгандек, кўпичча бир-бирининг юзига қарамай сўзлашарди.

Шартлашувага кўра, «ажралиш» фурсати яқинлашар, бироқ қиздан чурқ этган садо чиқмас эди. Пакананинг ўзи гап очай деса... Йўқ, асло, қайси юз билан, нима деб? Шифони чиқиб, ўзини кўярга жой тополмай қолди. Қанақа қиз ўзи бу? Бир тулки арманнинг гапига лаққа тушиб, дарров рози бўладими? Писмиққ десангиз писмиққа ўхшамайди. Улгудек содда, ҳатто лақма. Шу шаҳарда шундай қизнинг борлиғига, ўлдиринг агар, одам ишонса. Довдир десангиз — эс-ҳуши жойида, ишига пишқиқ-пхта. Саранжом-сариншти. Иш хонасида ҳам, Пакана кўзи билан кўрган одамда, бир дам тек ўтирмайди. Пазанда. Уйдан бир-икки марта сомса ёпиб келди, еб тўймайсиз. Хуллас, чинакам рўзгорбор хотин чиқади. Лекин... лекин Пакананинг наъмаю таманнобли кўнгли-чи, унга буткул зид-ку бу қиз?..

Тавба, шундай қизга ҳам ўрганиб қолар экан одам. Бир-икки ҳафта кўрнимаса, кутадиган бўлди Пакана. Сезинишча, ойиси билан арашлаган шекилли, навбатчилик баҳона, бир кеча тунаб ҳам кетди. Бўлак-бўлак ётишди, албатта. Пакананинг бир туки жимир этгани йўқ. Улибдим! Аҳмоқ эмас у.

Одамзотга ишониб бўлмас экан. Бир оқшом хизматдошлари билан ошхўрлик қилиб, кайфи тарақ, уйга келса — Арофат. Оқ жомасини кийиб, Пакананинг шимига дазмол босаяпти.

(давом) 7-бетда

(Боши 6-бетда)

# ПАКАНАНИНГ ОШИҚ КҮНГЛИ

Кўзига чўғдек кўринди. Узини ношукурликда айблаб, сўкди. Юраги ёниб-ўртаниб кетди: шундай жонфидо меҳрибоннинг қадрига етмай нима қилиб юрибман ўзи мен!

Белидан олиб шартта қаравотга босди. Биғиллатиб.

Бўлари бўлди. Бокира экан. Улдинг, Пакана!

У бирдан ҳовурдан тушиб, қаравотнинг ёнига тез чўкдию хўнграб юборди:

— Мен ҳўкизни кечир, Арофат! Кўз ёшларига беланиб ётган у томон нима деди денг:

— Ишқилиб, бахтли бўлсан бўлди... Пакананинг сархуш кўзлари чартта очилди: нима-а, бахтли бўлсанк?..

Аммо энди кеч эди. Аммо бу сўзларда бегубор маъсумиятдан бошқа нарса йўқ эди.

Эрталаб Пакана ўзига ўзи ирқит кўриниб кетди. Чойнак-пиёла юваётган қиз ундан баттар! Аламини ичига ютмоқча мажбур. Иложи бўлсаки, ўзининг юзига туфурса, буринни тишласа, ғажиб ташласа! Айни тобда ё бу алвастининг, ё ўзининг бирдан йўқ бўлиб қолишини, ҳечкурса, ўтган қор-қол мудҳиш бир тушга айланишини шу қадар истардики, эвазига ярим умридан воз кечмоқча ҳам рози эди.

Шундан сўнг Арофат икки ҳафтача кўринмай кетди. Бир кеч Пакана қаравотда китоб варақлаб ётган эди, қийшайибгина кириб келди. Қўлида тугунча. Ҳар хил егулик.

Қизни кўриб Пакананинг яна авжи келди. Шу кунлар мобайнида ботинан уни пойлаб юрганини англади. Уша мастликдаги ишни хўшёрликда ҳам синаб кўриш иштиёқи туғилди. Синаб кўрди ҳам. Яхши-и!

Шу тариқа бу ҳол яна бир неча бор такрорланди. Икки томон ҳам розидек, икки томон ҳам жимжит.

Бир гал Пакана театрдан гашланиброқ қайтиб келса — тагин ўтирибди. Дафъатан феъли айниди. Оғзига келган шалоқ гапини қайтармай ҳақоратлаб ҳайдади: «Энди шу ерга қадам боссанг!..»

Арофат сумкачасини олиб, миқ этмай чиқиб кетди. Епирай, қанақа қиз-а бу? Бурилиб бир оғиз бир нима деса-чи! «Қаёқча кетар эканман? Бу уйга менинг ҳам улушим бор. Узимнинг уйим. Кетсанг, сен чиқиб кет. Мени авраб ниҳоҳдан ўтказдинг, номусимни барбод қилдинг, энди қаёқча ҳайдаяпсан, номард пакана!»

Йўқ-йўқ, бошини ердан кўтаргани йўқ. Худди шундай бўлишини олдиндан билгандек, гуноҳқорона буриляди чиқди-кетди. Дардисарнинг дардисари!

Уни ҳайдаб юборишга юборди-ю, Пакана кейин қилмишига пушаймон бўлди. Виждони эзилди. Яна ўтириб-ўтириб ўзини оқлади: «Тўғри қилдим. Ахир қачонгача!..»

Арофат шу бўйи келмай кетди. Орадан уч ойлар ўтгач, Пакана бир оқшом театрдан дилғаш бўлиб қайтмоқда эди. Кайфи бузуқ. Боя телефонда гаплашаётганида ногаҳон бошқа ёққа уланиб, беихтиёр икки қизнинг ўзаро сирлашувига хўфя гувоҳ бўлди. «Анови ерпаканани бошига урадим, Дилфўз, ўзинг айтгин? Жаҳонгир бало-онд бўйли, сочлари жингала...»

Пакана метрода кетмоқ бўлиб «Пахтакор» бекатига тушаётса, чиқиб

келатганлар орасидан кимдир кўзига иссиқ кўринди. Йўлини кесиб рўбарў чиқди. Арофат. У ғарибона ерга боқиб паст овозда салом берди.

— Яхши юрибсанми, Ароф? Нега келмай кетдинг?

Киз кўзини ердан узиб, таънаомуз бир қараб қўйди.

— Борсам, тагин жаҳлингиз чиқмасин деб...

Бу гапдан алланечук ийиб кетган Пакана тирсагидан ушлаб уни йўлдан четга олиб чиқди.

— Қаёқча кетяпсан?

— Ётоқхонага.

— Қанақа ётоқхона? Нима қиласан у ерда?

— Бир танишимнинг хонасида турибман. Вақтинча.

— Менга қара, нима бўлди ўзи? — Пакана гапдан иягидан олиб ўзига қаратди-ю, жавдироқ кўзлардан шувиллаб оқётган ёшни кўриб юраги орқага тортиб кетгудек бўлди. Сўнг бошдан-оёқ разм солиб чиқди. Афтоҳаҳол. Бу кизга бир бало бўлган. Ёноқларининг эти қочиб, баттар туртиб чиққан, бурун сўррайган. Эгнидаги кенг, узун атлас кўйлакнинг олди кўтарилиб, орқаси осилиб турибди. Аҳвол маълум.

Уйдагилар сезиб қолиб, ҳайдаб юборишбди. Вассалом.

— Нега менинг олдимга келдинг?

— деди Пакана саросимада бошқа гап тополмай, зил кетиб.

— Узингиз, энди келма, деган эдингиз.

Ен-верларидан у ёқ-бу ёққа ясантусан сулувлар ўтиб турар, кўз қамашар, дил талпинар, орзиқар... улар орасида хунуги, балки энг хунуги мана шу қиз эди ҳозир.

Шундай бўлгани билан Пакана яхши одам эди, олижаноб эди. Айни тобда мана шу бенаво бандаи ожизага нисбатан туғилган шафқат ҳисси унинг сернаъма кўнглини тўлдириб, қолган барча худбин тўғуларни сиқиб чиқарди.

— Узимнинг хунуги-им! — деди бандаи дили бўшаганича уни бағрига олиб. — Уйга юр.

Арофат индамай эргашди.

Кейин... озгина можаро бўлди — номига, оқибати — шаҳарда кичкина, қишлоқда кичкина тўй бўлди. Кейин тўнғич қизлари туғилди. Ширингина, таппинчок. Кейин — яна, яна. Хуллас, бир вақтлар нодон қиз башорат қилмиш «ишқилиб, бахтли бўлсан бўлди».

Пакана бахтлими? Тўғри, уй-жойи бор, хотин, бола-чақаси бор. Аммо... хотинига кўнгли илимади-илимади. Унга қарагиси келмайди, таъби тортмайди. Уни ўйласа, ғусса босади. Худонинг ўзи кеңирсин-у, учала фарзанди ҳам мастликда бўлган. Ажабки, бири бирдан зийрак, бижилдоқ. Демак, анов гап бидъат экан-да. Неча бор ажралмоқчи қасд қилди. Лекин бундай саришта рўзгорни, беиминнат хотину ширин-ширин қизалоқларини ташлаб қаёққа боради? Қизи бор одамнинг кўнгли юмшоқ бўларкан...

## ВАФОДОР ДҮСТ

Овлиёқул омборчининг ҳайҳотдай ҳовлисида мижриққина, жунлари тўкила бошлаган, бир оёғи оқсоқ урғочи ит юргучи эди. Уша ит тўсатдан «Ақ йўқолди... Овлиёқул омборчи ишдан келиб оёғини узатиб бемалол ётган кезларда, итининг хўриши қулоғига гўё булбулнинг хоншидек туюларди. Ана энди...

Овлиёқул аламининг ҳовурини боши учун маҳалла чойхонасига чиқиб, ўтган-кетганга дардини дастурхон қила бошлади:

— Эй-й... шу маҳлуққина майиб бўлсаям зўр кучуқча эди-да! Ҳам-соямнинг товуғи қанот қоқиб кетаётган маҳаллада «ғип» этиб бўйиб олган, ҳатто каттамиз Каттабоев қойил қолиб: «У-ў, бунинг катта шаҳарда бўлганда бозорга солсанг, нақ бир бўҳча сўлкавойнинг тағида қолган бўлардинг!» дегандилар. Эҳ-ҳ, эссиз. Шу жонивор жигаримдай бўп қоғанди. Кўриниши хунук бўлсаям, аммо ўлгурнинг истариси иссиқ эди.

Ит йўқолган куннинг иккинчи кечаси чойхонага қишлоқ эл-улуси ўртасида ўзининг «ўқимишлилиги» билан ном чиқарган, ҳозирда ҳам чўнтагидан бир даста газета ўрама аримайдиган Аҳад агитатор кириб келди. У омборчининг ҳасратига қулоқ тутаркан, пиёладан дастурхонга зарда билан қўйди.

— Зачем бунча... оҳ-воҳ! Ундан кўра тезроқ отингни қамчилсанг бўлмайдингми?! Мана мен айтаман дардининг давосини. Маслаҳатим шу. Биринчи галда район газетасига итинги йўқолгани тўғрисида таъсирчан, одамлар ўқиганда кўз ёшини тўхтата олмайдиган қилиб мақолами, эълони бериш керак. Хўш, десанг, текстини мана ўзим ёзиб бераман. Ана ундан кейин... Майли, кўпам эзилаверма. Юр, орқамдан, бизниқига бориб мақола ёзамиз!

Аҳад агитатор телефон гўшагини баҳо, шу баробарида садоқатли ит йўқолгани боис, чуқур тушунлик гир-

добига ботган инсонга ёрдам қўлини чўзиш ҳақидаги» эълонни яна бир карра ўқигач, газетани тўрт буклаб чўнтагига ураркан, ҳалидан буён бикинида кўзларини пирпиратганча турган Овлиёқул омборчининг кифтига «Дадил бўл!» дегандек қоқди ва телефон гўшагини кўтарди.

— Алло! Бу табиятни муҳофазга қилиш кўмитасими? Ким билан гаплашяпман? Ҳм-м... Ответ секретарь! Хўш, айтинг-чи, бугунги газетда чиққан эълонни ўқидингизми? Қанақа? Қанақа бўларди, бечоралоқ бир инсоннинг вафодор дўсти — ити йўқолгани ҳақида-да! «Ит — вафо, хотин — жафои» деганини ҳам эшитганмисиз? Хуллас, гап шу! Шифтга қараб ўтирмадан, дарҳол ўша вафодор дўстидан ажралган инсонга ёрдам қўлини чўзинглар. Тушунарлими?!

Аҳад агитатор телефон гўшагини қўймасдан, яна уч-тўрт жойга сим қоқаркан «Қалай?» дегандек ҳамроҳига қаради. Овлиёқул омборчи елка учирди ва этагини силкиб туриб кетмоқчи бўлганди, Аҳад агитатор унинг елкасидан босди.

Ув-в, овсар! Наҳот тушунмайсан-ки, ҳозирги замонда газета ва телефон — бу катта куч! Мана кўрасан...

Овлиёқул омборчи бир пас кўз қорачиқларини ўйнатаиб тургач, сўнг қўл силтаганча ўрнидан илкис кўзғолди.

Таажуб! Эртаси кучи уни эрталабданок безовта қилишга тушишди. Дастлаб табиятни муҳофазга қилиш кўмитасига таклиф қилишди. Қарийб тушликкача давом этган йиғилишда: «Табиятни муҳофазга қилиш борасида туманда улкан муаммолар ҳал қилинаётгани ҳақида атрофлича тўхталиб, хусусан, табият ихлосманди ва жонкуяри Овлиёқул Омоновнинг бошига қуфат тушганда ҳам биринчилардан бўлиб нажот қўлини чўзишаётгани» алоҳида таъкидланди.

Овлиёқул омборчи чўнтагидан «ёрдам пули» солинган конверт, тиржайганча уйига қайтса, дарвозаси олди-

да бир шляпали, бир қалпоқли ва икки саллаи кишилардан иборат «комиссия» интизорлик билан уни кутиб ўтиришибди.

— Биз маҳалла қомитетидан! Ҳамдарлигимизни қабул қилинг! Бизга хабар қилишларича қандайдир қардорнингиздан айрилиб... Хуллас, бошга ташиви тушганда аҳволдан ҳисдордер бўлиш бизнинг бурчимиз!

Тушликдан сўнг дарвоза яна тақиллади. Овлиёқул омборчи ҳовлиққанча бориб тирқишдан қараса баҳайбат «КамАЗ» тумшўғини кўча деворга тираб турибди. «Вой-бў! — ажабланди уй эгаси остона ҳатлаганча — Купонни кичикроқ мушнда олиб келса ҳам бўларди-ку!» Йўқ, бу сафар янглишган экан. Кабинадан қулоч ёзиб тушган шофёр бола ўзини таништирди:

— «Ҳақиқат» колхозидан юборишди! Раис бова айтдиларки... Юқоридан у кишига сим қоқишчи... Шунга ёрдам тариқасида мана шу бир мошин ошқади, сабази ва шолғомни оларкансиз. Ҳали кечга яқин, пиёз билан картошқа ҳам келайди.

Овлиёқул омборчининг кўзларидан севинч ёшлари шашқатор бўлиб оқди.

Ҳаяжоннинг зўрлигидан ўша оқшом алламаҳалгача кипригига уйқу инмади. Овлиёқул омборчи ҳовлига

тушганча, нос капалаб, ой нурига қўмилиб беихтиёр ширин хаёлларга кўмганда айвон томондан хотинининг зардали товуши унинг хаёлига болта бўлиб тушди:

— Телефонга! Каттангиз йўқлабдиди...

Овлиёқул омборчи ҳовлиқиб қолди: «Наҳотки, Каттабоев ҳам ҳамдардлик билдириб...»

— Алло, Омоновман, хўжайин! Гўшақдан таниш таҳдидкор овоз янгради:

— Ҳе, Омон бўлмай ўша сени! Дастингдан тинчлик борми-йўқми?! Бу нима гап ахир...

— Тинчлик, хўжайин! Шу итимиз йўқолиб қолиб... Шундай кунда йўқлаганингиз учун сизга кўпдан-кўп раҳмат! Итимиз...

— Ҳе, ўша итинг билан кўшмозор бўл-е! Нега гапни бўласан?! Мен ҳам ўша итинг масаласида телефон қилаяпман, бемазал! Қанжигинг тўрт кундан бери бизниқиди! Кўппагимга эргашиб келиб, ҳамма ёқни остин-устун қилди-ку! Бирам безабет... Олиб кетасани-йўқми, бу қанжигинингни! Е...

Шу кунларда Овлиёқул омборчининг боши қотган — дардисар итини қай гўрга йўқ қилишни билмайди...

Муҳаммад ОЧИЛ



Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика тиббиёт билим юртининг обрўси нафақат Ўзбекистонимизда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам машҳур. У Туркистон ҳудудидаги энг тўнғич ўқув юртлирдан бири бўлиб, шу йил 75 ёшга тўлади. Бу даргоҳда таҳсил олган минглаб талабалар бугунги кунда Ватанимизнинг турли бурчаларида ўз касбларини садоқат билан адо этишмоқда.

Билим юрти директори Турсуной УМАРОВА шу кеча-кундузда мазкур ўқув юртида олиб бориладиган ишлар билан батафсил таништирди.

— Туркистон диёрида улғў мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, тиб илмининг даҳолари дунёга келишган. Тиббиёт илмига даставвал шарқда асос солингани ҳам тарихдан маълум. Урта аср медицинасининг отаси Абу Али ибн Сино ҳам шу тунпроқда туғилганидан фахрлансак арзийди.

Бизнинг билим даргоҳимиз ҳақида шунинг айтиш мумкинки, у шўро Туркистонидagi тўнғич билим юрти эди. Утган 75 йил ичида бу ўқув юртида 40 мингга яқин ўрта медицина ходими тайёрланди. Булар асосан ҳамширалар, досялар (акusherлар), фельдшерлар, санитар фельдшерлари, тиш даволочилар ва бошқалар.

маркази ишлаб топган маблағнинг 50 фоизи билим юрти эҳтиёжларига сарфланади. Қолгани марказ ходимларига маош сифатида тўланади.

— Ўқув дарсликлари масаласи, айниқса ўзбек тилидаги дарслик етишмовчилиги кўп ўқув юртлирини қийнапти...

— Орада уч йил Арабистонда ишлаб келганимни айтмаганда йигирма тўрт йилдан буён шу даргоҳданман. Хўп аломат даврлар бўлган экан. Айтсам ишонмайсиз, 1986 йилда шу даргоҳга раҳбар этиб тайинланганимда собиқ директорнинг иш столида Москвадан келган хат бўлиб, унда бу ер-

сингиб қолди. Бу ҳақда баҳслар бўлди. Уни ёқловчилар чет элда табобат хизмати очиқчасига пулли, бизда ҳам «пулли», лекин яширинча, уни тўридан-тўғри татбиқ этайлик, дейишди. Айримлар бунга қарши чиқдилар. Бозор иқтисодиёти бу баҳсларни ҳал қилиб бермоқда. Янгича муносабатлар шароитида кўплаб соҳалар давлат тасарруфидан чиқарилиб, уларга иқтисодий мустакиллик, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш вазифаси кўйилаётган даврда тиббиётнинг эртаси нима бўлиши ҳаммани ўйлантиради. Бундай вазиятда тиббиёт муассасаси ўз-ўзини эплаб кета олиши учун жиддий изланишлар қилиш, чет эл тажрибаларини ўрганиш лозим. Пулли даволаш хизмати янги қабул қилинган Конституциямизда ҳам ўз ифодасини топган. Қачонки тиббиёт муассасаларимизда даволаниш учун ҳамма зарур воситалар етарли, малакали врачлар беморга парвона бўлса, пуллини олса арзийди. Айни вақтда бундай

текин, ўртаҳол кишиларга хизмат қилувчи ўрта даражада ва пулдорларга хизмат қилувчи қиммат шиғохоналар бор. Хизмат қилувчиларнинг малакасида, шиғохондаги шароитда фарқ бўлишига қарамасдан барибир улар виждонан ишлашади.

— Касбингиз, ўзингиз, оилангиз хусусида ҳамда бўш вақтларингизда қандай юмушлар билан шуғулланишингизни ҳам гапириб берсангиз!

— Аввало касбим ҳақида. Шиғо-корда туғма қобилият бўлиши лозим.

Негаки бу касбнинг ниҳоятда ўзига хос мураккаблики борки, унча-хонча одам бунга дош беролмайди.

Талабаларни ўқишга қабул қилишда бу нарсага алоҳида эътибор беришимизнинг сабаби шунда. Узим Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида, ҳарбий оиласида туғилганман. Тошкент тиббиёт институтини тамомлаб, шу ерга ишга келдим. Турмуш ўртоғим — Аб-

бос ака стоматолог-врач бўлиб ишлайдилар. Тўрт фарзандимнинг иккитаси биз — ота-оналарнинг касбига меҳр қўйди. Очиғи, бўш вақтим жуда

кам. Аммо вақт топсам, ўз касбимга оид адабиётларни, ўзимизнинг тарихий китобларни ўқийман. Айниқса,

қадим Туркистон тарихи, бобоқолонларимизнинг жасоратлари мадҳ этилган китобларни ўқишни ёқтираман. Иккита неварам бор. Бўш вақтларимни кўпроқ шулар билан ўтказаман.

А. АЗИМ сўхбатлашди

## ШИФОКОР БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Собиқ иттифоқ тузуми даврида табобат билим юртлирининг дастурлари ҳам марказда тасдиқланарди. Бултурдан бошлаб эски ўқув дастурлари ва режалари қайта кўздан кечирилиб, баъзи кераксиз фанларни дастурдан чиқариб ташлаб, ўрнига янги фанларни қўйишга қарор қилдик. Республика табобат билим юртлири директорлар кенгашининг раиси сифатида менинг зиммамга анча масъул вазифалар юклатилди. Айниқса ижтимоий фанларни ўрганиш борасида кўп мураккабликларга дуч келинди. Айни пайтда бу борада ҳам дастур яратилди. Бундан ташқари, халқимизнинг ахлоқий қарашлари, анъана ва урф-одатларини инобатга олиб «Одобнома» фанини киритдик. Талабаларимиз келгусида асосан беморлар билан ишлайдиган кишилар бўлгани учун ҳам бу фаннинг улар учун қанчалик аҳамиятли эканини билиш қийин эмас. Ўқув дастуримизга «Шарқ табобати тарихининг асосий фан сифатида киритилиши муҳим ўзгаришлардан бўлди, десам янглишмайман. Юқорида айтганимдек, тиббиёт илми Шарқда туғилган. Даволашнинг ноанъанавий усуллари, халқ табобати ҳам бизда кучли ривожланган. Халқ табобати вакиллари, экстрасенслар замонавий медицинани тан олмасалар-да, барибир аксарият фуқаролар врачларга мурожаат қилишяпти. Ва ўз навбатида халқ табобатини танқид қилишганлари билан табиблар ҳам бекор ўтиришмаяпти. Юрт саломатлигини таъминлашда бу кишилар ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, билим юртимиз қошида даволашнинг ноанъанавий усуллари бўйича марказ очилди. Унда экстрасенслар, нуқтавий уқалаш, табиий доривор ўсимликлардан фойдаланиб даволаш ва физотерапия кабинетлари мавжуд. Доришунослик бўлимимиз талабалари шу ерда ўсимликлардан дори тайёрлаш сирларини ўрганишади. Бунинг иқтисодий самараси ҳақида гапирадиган бўлсам, даволаш

даги кўп фанлар ўзбек тилида ўтилади деган «айбнома» қўйилган экан. Албатта янги келган раҳбар сифатида марказнинг бу қақирғига «лаббай» деб жавоб беришим керак эди. Лекин масалага юзаки қарашга виждоним йўл бермади. Ахир қандай қилиб республиканинг чекка жойларидан келган талабаларга «рус тилини дарров ўрганишинг шарт» деб талаб қўйиб бўлади. Шунинг учун билим юрти мураббийлари билан келишиб, шароитга қараб аввалгидек иш юритавердик. Энг муҳими — ўша пайтда ўзбек тилида чиқарилган китобларни асраб қолдик.

Яхши кунлар келиб, тилимиз давлат мақомини олганда бизда унга ўтиш муаммоси бирмунча осон кўчди. Бугунги кунда ўқув дарсликларимиз, дидактик материалларнинг ҳаммаси ўзбек тилида. Тўнғич ўқув юрти сифатида билим масканимизнинг ўқув базаси бақувват. Зарур замонавий медицина асбобларига эгамиз. Ўқувчи-олимларимизнинг билим савияси ҳам баланд. Келгусида таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, унинг янги шаклларини излаб топишни ўйлаяпмиз. Мен икки марта Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти семинарида қатнашиб, биздаги тиббиёт ходимларининг малакаси чет эллардагидан анча пастлигини кўрдим. Шунинг назарда тутиб, бизлар ҳам келажакда билим юртлиримизни коллежга айланттириш, медицина бакалаврлари тайёрлашни ўйлаяпмиз. Унда ўқув муддати ҳам ҳозиргидек икки йил эмас, балки 4 йил бўлади.

— Турсуной опа, ҳозирги кунда қандай мавзуда гап бошланмасин, у айланиб келиб иқтисодиётга тақалади. Ҳамдўстлик давлатларида, жумладан Россияда беморларни пуллик даволашга ўтилмоқда. Бу ҳақда сиз нима дейсиз!

— «Пулли хизмат» атамасининг киниб келганига кўп бўлмаса-да у анча

шиғохонларимиз йўқ. Касалхоналарда дори-дармонлар, малакали шиғо-кор хизмати етишмайди. Исталган дори-риларни вақтда топиш қийин. Бундай ҳолда пулли даволашни жорий қилиш беморнинг ҳўнтагини шиллишдан бошқа нарса эмас. Назаримда, пулли шиғохонларни ташкил қилишда АҚШ тажрибаси бирмунча мақбул. Уларда Қизил Хоч жамиятига қарашли



ҚУШЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Х. МИРЗАКАРИМОВ сурати

Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарход РЎЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЁД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол ЎЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталлиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитой» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Оқ олтин» дон маҳсулотлари корхонаси.

Тахририят келган хатларга ёзма жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташкилотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият»дан деб кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Намойишлар хиёбони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Юсуф ЗИЁД навбатчилик қилди.

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-452. 25.499 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди, формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.